



Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети



РЭУ.РФ

РОССИЙСКИЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.В. ПЛЕХАНОВА

ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ

Г.В.Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёт университетининг
Тошкент шаҳридаги филиали

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети ва
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳридаги
филиали ўртасидаги**

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

МЕМОРАНДУМ

Тошкент – 2023

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ва
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг
Тошкент шаҳридаги филиали
ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида**

МЕМОРАНДУМ

Тошкент ш.

2023 йил 15 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бир томондан ва Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали иккинчи томондан (кейинги ўринларда – Томонлар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармони ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонига мувофиқ ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, томонларнинг ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширилишини таъминлаш йўналишидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида:

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг тараққиётига мос ҳолда ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг умумтаълим дастурларини, ўқув-методик ва норматив материалларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш лозимлигини қўллаб-қувватлаш;

малака оширишнинг таълим жараёни сифатини ва натижаларини тизимли таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш, кадрларнинг замонавий талаблар асосида касбий кўникмалари ва лаёқатларини ривожлантириб бориш тизимининг муҳимлигини ҳисобга олиб, **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Томонлар ўқув дастурларини, ўқув-методик ва норматив материалларини ишлаб чиқишда, таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усулларини тадбиқ этишда, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилади.

Бунда Томонлар қуйида келтирилган йўналишлардаги вазифаларни амалга оширадилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини Олий таълим муассасаларда таълим олувчи тингловчилар ҳамда аҳолига етказиш бўйича маърузалар қилиш ҳамда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

б) Ўқув дастурлари, ўқув-методик ва норматив материаллар лойиҳаларини ишлаб чиқишда услубий-амалий кўмаклашиш тизимини таъминлаш;

в) Замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар фондиди мунтазам янгилаб борилишида ҳамкорлик қилиш;

г) Онлайн (масофавий) таълим шаклидаги дарс машғулотларини олиб бориш ва Томонларнинг профессор-ўқитувчилар таркибини машғулотлар ўтказишга фаол жалб этиш;

д) Ўқув жараёнига янги инновацион педагогик технологияларни ҳамда ўқитишнинг замонавий шакл ва методларини тадбиқ этиш ҳамда бу борада мунтазам тажриба алмашиш;

е) Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича халқаро ва республика миқёсидаги конференция, семинар ва давра суҳбатларини ҳамкорликда ташкил этиш;

ё) Институтларга хорижий давлатлар ва турли ташкилотлардан ўқув жараёнига таклиф этилган мутахассисларни тегишли мавзулардаги ўқув-тренинг машғулотларига жалб этиш;

ж) Томонларнинг илмий нашрларида мақолалар чоп этиш;

з) Тингловчиларда юксак маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларни янада оширишга, коррупцияни олдини олиш масалаларига қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳамкорликда ташкил этиш;

и) Ахборот-ресурс марказлари фондидан ўзаро фойдаланиш имкониятини яратиш, уларни профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланмалари билан бойитиб бориш;

й) Олий таълим муассасалар фаолияти, ўзаро ҳамкорлик, ходимларнинг эришадиган ютуқлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ишларини кучайтириш;

к) Амалий тажриба алмашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Томонларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш;

л) Ҳамкорликда илмий-амалий, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.

2-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Томонлар мазкур Меморандумнинг 1-моддасида назарда тутилган йўналишлар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича ишчи учрашувлар ўтказадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларида иборат ишчи гуруҳларини тузиш, шунингдек қўйи тузилмалардан малакали ходимларни жалб қилиш;

б) ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, конфиденциал ахборотларни ёки бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик;

в) ҳамкорлик ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Меморандум доирасида Томонлар тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиши мақсадга мувофиқ саналади.

3-модда. Молиялаштириш механизмлари

Томонлар ушбу Меморандумда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун сарфланадиган харажатларни ўз маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширадилар.

Ҳамкорлик фаолияти юзасидан алоҳида ҳолатлар бўйича Томонлар қўшимча келишув асосида ўзаро молиявий кўмаклашиш амалга оширилиши мумкин.

4-модда. Маслаҳатлашув

Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

5-модда. Ўзгартириш ва қўшимчалар

Ҳар бир томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни бошқа томонга ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгиланган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳолда Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

6-модда. Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ва (ёки) музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

**7-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиш
ва ўз кучини йўқотиши**

Ушбу Меморандум иккала томон вакиллари имзолаган кундан кучга киради ва беш йил мобайнида амал қилади. Томонлардан бири Меморандум муддати тугашига бир ой қолганида унинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида ёзма хабарнома бермаса, Меморандум ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатга узайтирилади.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, мазкур Меморандум икки (2) асл нусхада ваколатли имзо чекувчилар томонидан имзоланди.

Унинг ҳар бир нусхаси бир хил юридик кучга эга бўлиб, бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида, иккинчи нусхаси эса – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида сақланади.

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети
бошлиғи, профессор
Рустамбаев М.Х.**



2023 йил

**Г.В.Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёт университетининг
Тошкент шаҳридаги филиали
директори, академик
Абдурахманов К.Х.**



2023 йил